

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРДА  
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
Ў Қ У В - У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2017**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:**

ЎзМУ, т.ф.н., доцент  
**Алимардонов Т**

**Такризчи:**

с.ф.д.,проф. Р.Самаров

*Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг ..... кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -  
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР4

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ  
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.9

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ14

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ33

V. КЕЙСЛАР БАНКИ36

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ39

VII. ГЛОССАРИЙ39

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ41

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қароридан белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, мустақил ислоҳоти ва ривожланиши, уларни таҳлил қилиш, бошқариш истиқболларини ўргатишдан иборатдир.

Тингловчилар ушбу фанни ўзлаштириш борасида ижтимоий-гуманитар соҳаларида қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларни ўрганиш, ривожланиши, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари нафақат педагогик жараённи бошқарувини амалга оширишда, балки уни режалаштириш, такомиллаштиришда ҳар бир профессор-ўқитувчи томонидан қўлланилиши талаб этилади.

**Модулнинг вазифалари:** “Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” фанини ўқитишнинг вазифаси, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига ҳозирги замон ютуқларига асосланган ҳолда ҳуқуқининг аҳамияти, бошқариш соҳасида қабул қилинган қонунларни чуқур таҳлил этиб уларни амалиётга татбиқ эта олиш асосларидан билим беришдан иборатдир. Ҳозирги кунда бу соҳани жадал суръатларда ривожланиши натижасида, замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига ижтимоий-

гуманитар фанларда қабул қилинган қонун ҳужжатларидан фойдаланиш йўлларини очиб бериш, замонавий илмий педагогик кадрлар тайёрлашга ёрдам беради ва бу фанни унга турдош бўлган фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш замон талабига мувофиқлиги билан ажралиб туради.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- турли педагогик вазиятларда таълим-тарбия манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мақбул қарор қабул қилиш учун тизимли таҳлилни амалга ошириш учун, тадқиқот стратегиясини тўғри шакллантириш, методлардан мақсадли фойдаланиш принциплари ҳамда эамланган ахборотни яхлит тарзда келтириб аниқ методология асосида таҳлилни амалга ошириш ҳақида **билимларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ;**

#### **Тингловчи:**

- педагогик фаолият доирасида тизимли таҳлил методларини амалий қўллай олиш ва олинган натижаларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш, фаолиятни моделлаштириш ва прогнозини амалга ошириган ҳолда қарор қабул қилиш каби **амалий кўникма ва малакаларни эгаллаши мақсадга мувофиқ;**

#### **Тингловчи:**

- олий таълим тизими учун ахборотларни тизимли таҳлилни амалга ошириб, манба (маъруза матни, маълумотнома, тезис, мақола ва б.) тайёрлаш, ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида педагогик жараённи таҳлил қилиб, натижавий маълумотларга таяниб, миллий таълим-тарбия олдида қўйиладиган талаблардан хабардор бўлиб, уни амалиётда қўллай билиш **компетенцияларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ;**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил” модули мазмуни ўқув режадаги “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг қонун ҳужжатларини таҳлил қилиб қўллаш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Тингловчилар модул доирасида узатиладиган маълумотларни таълим-тарбия жараёнини тизимли таҳлилни амалга ошириб, миллий таълим-тарбия манфаатини ҳимоя қилиш учун мақбул қарор қабул қилишга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Шунингдек, модул доирасида ўзлаштирилган билимлар аниқ фан соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

## Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкласи, соат					Мустақил таълим
		Ҳафмаси	Аудитория ўқув юкласи				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот		
1.	Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил	2	2	2			
3	Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи.	2	2	2			
4	Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили.	2	2		2		
5	Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш	4	2		2		2
	<b>Жами:</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>		<b>2</b>

## НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил

Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишнинг афзалликлари. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли

таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга оширишда қўлланиладиган услублар. Тизимли қонуниятлар ва ўзини-ўзи такомиллаштириш. Тизимда иерархиявий алоқадорлик. Тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологиялари.

## **2-мавзу: Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи**

Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи. Тизимли таҳлилда фанлараро алоқадорлик ва ғояларнинг узлуксиз синтези. Ижтимоий-маданий концепциялар ва тадқиқотлар йўналишлари.

## **3-мавзу: Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили.**

Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили. Тизимли таҳлилда инобатга олиниши шарт бўлган омиллар: объектив омиллар, иқтисодий-сиёсий омиллар, вазиятли омиллар, геосиёсий омиллар, демографик ва бошқа омиллар. Ривожланишнинг асосий йўналишлари: революцион, эволюцион, стагнация, регресс.

## **4-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш**

Илмий-техникавий тараққиёт. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашувлар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлилдан фойдаланиш технологияси. Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида

презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;  
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган максимал балл-**1 балл**.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассисментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзу ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Вазифа:** “Таҳлилларнинг турларини изоҳланг”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Тизимли таҳлил	Тизим элеменларнинг яхлит таҳлил	
Структура таҳлили	Объект тузилмаларнинг ҳаракатлари таҳлили	
Коммуникатив таҳлил	Элементларнингёки объект ва субъектларнинг ўзаро алоқалари таҳлили	
Таҳлилий тарих тадқиқотлари	Мақола, тақриз, шарҳ, обзор, обозрение	


**Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Вазифа: Тизимли ва аналитик таҳлиллари**



## **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” устунига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларни уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамага келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади ва ўқувчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатолари тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳ беради.

7. Иштирокчиларнинг олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### 1. Вазифа: “Тарих методлари”

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Умумий методлар йиғиндиси					
Индуктив метод					
Текширув метод					
Қиёсий метод					
Тарихий метод					

### 2. Вазифа: “Тарих методлари. Вазиятни ўрганиш методлари.”

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Исботлаш методи					
Индуктив метод					
Кузатув метод					
Эксперимент методи					
Сўров методи					
Дедуктив метод					

### 3. Вазифа: “Тизимли таҳлилнинг омиллари”

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Кибернетика					
Тарих					
ЭҲМ					
Мураккаб тизим					
Бошқарув талаби					
Сиёсат талаби					
Кашфиётлар					
Рақобат талаби					

#### 4. Вазифа: “Тизимли таҳлининг асосий таркиблари”

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Муаммони белгилаш					
Янгилик тамойиллари					
Мантиқийлиги					
Тадқиқ вазифалари					
Сиёсий аҳамият					
Бошқарув					

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларда тизимли таҳлил

##### **РЕЖА**

1.1 *Замонавий фанда тизимлиликнинг аҳамияти.*

1.2. *Замонавий фанда тизимли таҳлил ва тизимли ёндошувнинг аҳамияти*

1.3. *Тарих соҳасида тизимли таҳлилнинг қўлланилиши.*

**Таянч иборалар:** *Тарих структураси, коммуникатив структуралар, Тарих ва оммавий алоқалар муносабатлари, тизимли таҳлил, тарихий тамойиллар ва этика.*

#### **1.1. Тарих структураси, тушунчаси, мақсади**

Барчага маълумки, мақсад хоҳланган, талаб қилинган, меъёрий махсулотни акс эттиради, шунингдек, “предмет”нинг фаолиятини аниқлайди. Бироқ, инсон фаолиятининг натижаси нафақат мақсадли, шу билан бирга маҳсулот мақсадида кўзда тутилмаган иккиламчи таъсирли ҳамдир. Ўзининг аҳамиятига кўра у сезиларли даражада мақсадлидан устун ҳам туради. Натижа (мақсадли ва иккиламчи махсулот) фаолиятнинг ўзига хос натижаси ҳам ҳисобланади.

Биз ўз эҳтиёжларимизга кўра ўзгарадиган объект воситасини танлаймиз. Бироқ, ўзгаришлар кўплаб хусусиятларга эга ва бу ўзгаришларни амалга оширадиган воситалар ҳам турли хил таркибга эга бўлган ўзгаришлар ҳисобланади.

Шу тариқа ҳам мақсадли ҳам иккиламчи фаолият махсуллари объектив ўзгариш натижасида қонуний тартиб бўлиб, бу фаолият натижасида вужудга келадиган ўзра таъсир натижасида юзага келади.

Мотивлар ва фаолият натижаси ўзра мос эмаслиги туфайли, шунингдек, кўзда тутилмаган бош ходисалар натижасида янги муаммолар пайдо бўлади. Агарда биз фаолиятимиз оқибатини олдиндан айтиб беришни ўрганганимизда эди, барча ишларни бажариш учун энг оптимал қарорни қабул қилган бўлар эдик. Бу фаолият нафақат кишилик жамияти чун балки алоҳида бир кишининг фаолияти учун ҳам муҳимдир. Бунинг учун бошқачароқ ўйлашни, янгича дунёга қарашни ўрганиш керак. Илмий техник ривожланиш эски фикрлаш усулига мос келмайдиган киши фаолиятидаги бу каби ўзгаришларни шартлаштиради, предметли дунёда янгича мўлжалга олиш усули, буюмлар ҳақида янги тасаввурлар, янгича доминант фикрлашлар ва ҳаётий ориентациялар талаб қилинади,

Структура, тузилиш тушунчасининг синонимлари тартиб, конструкция, архитектура, ташкиллаштириш, баркамол алоқалар ва алоқа тизимларининг мажмуи сифатида. Бошқа сўзлар билан айтганда, бу объектнинг “скелети”, каркаси, махсус ички тизим, унинг барқарорлик (устойчивость) ва яхлитлик ҳолатини таъминлайди. Буни яъни макон ва замонда объектнинг ўзгармаслигини, ўз-ўзини сақлаб қолишига имкон яратадиган махсус сифат деб таъкидлаш мумкин. Бу шунингдек объектнинг асосий сифатларини ташқи ва ички шароит ўзгариб борганда ҳам сақлаб қолиш учун амал қилади. Шу билан бирга структура – объектнинг асосий элементи, шакл эса объектнинг бир қисми ва унинг ўзгаришлари, ҳаракати, уларнинг ички таянчи (фундамент ва инварианти) ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, барча таърифлар алоҳида-алоҳида олинмаган, аксинча, биргаликда, улар жамланганда “структура” термини тўла семантик контентни очиб беради.

Структура объектнинг муҳим хусусияти сифатида намоён бўлади, у бир томондан унинг элементларини бир-бири билан боғлайди, иккинчидан, уларнинг фаолиятини ушбу тизимнинг қонунлари асосида фаолият юритишига ундайди. Шунинг учун ижтимоий тизимни ўзгариши медиатизимни элементлар ўртасидаги ўзгаришлари билан биргаликда ўтади, аммо бир элементнинг бошқа элементга алмаштириш эвазига эмас. Ҳар бир медиа тизимнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий фаолиятнинг иштирокчилари ўртасида воситачи бўлиб воқеликни ўзгаришда уларнинг ўзаро ҳаракатларини, бир-бирига таъсир этишини таъминлайди.

## **1.2. Замонавий фанда тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг аҳамияти**

Тизимли таҳлил, қарор қабул қилиш назарияси, ахборот-таҳлилий иш ҳар қандай давлатнинг давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида муҳим фаолият тури сифатида амалга ошириб келинган ва бу соҳа бугунги кунда ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса бу борада юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси муҳим ҳисобланади. Уларда давлат ва жамият бошқаруви билан бир қаторда. корпорациялар, компаниялар, ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар, ижтимоий бошқарув ташкилотларининг деярли барчасида таҳлилий фаолият ўта муҳим соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўзининг «Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир» номли китобида таъкидлаб ўтганидек, «Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўллари дикқат билан ўрганиб бормоқдамиз».

Тизимли таҳлил - бу шундай бир ижодий жараёнки, унинг натижасида алоҳида фактлар режалаштириш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ маълум қарорларни қабул қилувчи ва бажарувчи давлат органлари ва

мансабдор шахслар учун мўлжалланган тайёр маҳсулотга айланади.

Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш, ахборот-таҳлилий фаолият билан у ёки бу даражада ижроия ҳокимияти ва ўрта бўғин вакиллари ҳам, раҳбар кадрлари шунингдек олий таълим соҳаси вакиллари ҳам шуғулланади. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳар бир ходим ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага келувчи вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олиши лозим. Илмий услубларни эътиборга олмаслик ёки улардан фойдалана билмаслик нафақат вақт ва кучни исроф қилишга, балки кейинчалик муҳим қарорлар қабул қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Инсоннинг дунёни англаш борасидаги чексиз истаги ва чекланган имкониятлари ўртасида зиддиятлар, чексиз табиат ва чекланган инсон ресурслари, кўплаб муҳим оқибатларга эга, шунингдек, инсон учун ўзини ўраб турган оламни англаш жараёни ҳам. Оламни англашнинг асосий хусусиятларидан бири, аста-секинлик билан зиддиятларни бартараф этиш учун, таҳлилий ва умумий фикрлаш, яъни, бутунни қисмларга ажратиш ва содда компонентларнинг йиғиндиси кўринишидаги мураккаб тасаввур ва содда компонентларнинг бирлашиши ва йиғиндисининг мураккаб тусга кириши кабилардир. Бу ҳам индивидуал фикрлашга, ижтимоий онгга, инсон барча билимларига, англаш жараёнига тегишлидир.

Инсон билимининг таҳлилийлиги мавжуд фанлар, фанлар дифференцияси, тор масалаларни чуқур ўрганишда намоён бўлади. Шу билан бирга, билимлар синтезининг тескари жараёни ҳам жуда зарур. Шундай қилиб “чегара” фанлари (бионика, биохимия, синергетика ва б.) пайдо бўлади. Аммо, бу синтезнинг бир шаклигини холос. Синтетик билимларнинг анча юқори шакллари табиатнинг энг умумий хусусиятлари ҳақидаги фанларда амалга оширилади. Фалсафа материянинг барча шакллари умумий хусусиятларини аниқлайди ва ифодалайди. Синтетик фанлар қаторига тизимли таҳлил, информатика, кибернетика ва бошқалар киради. Улар формал, техник, гуманитар ва бошқа билимларни бирлаштиради.

Шундай қилиб билим тараққиёти бир томондан жуда кўп янги фактлар, турли соҳаларга оид маълумотларнинг очилиши ва тўпланишига олиб келди, бошқа томондан инсоният олдига уларни тизимлаштириш вазифасини қўйди. Анализ, синтез ва қисмлар ўртасидаги ўзаро алоқа англашнинг бўлакларга бўлинганлиги тизимли билишнинг ёрқин мисолидир.

Демак, тизимли таҳлил муаммони ҳал қилиш методологияси сифатида барча зарурий услубларни, билимларни ва муаммони ечиш учун лозим бўлган ҳаракатларни умумлаштирувчи устун вазифасини бажаради. Айнан шу билан унинг жараёнлар тадқиқоти, статистик ечим назарияси, ташкиллаштириш назарияси ва бошқа шу каби соҳалар билан муносабати аниқланади. Тизимли таҳлил у ёки бу методдан қайси босқичда ва қандай шаклда фойдаланиш лозимлигини аниқлаб беради.

Тизимли ёндашув – илмий билимнинг (познания) методологик йўналиши, унинг асосида бир объектни тизим сифатида тадқиқ этиш; бир бутун яхлит комплексни ўзаро боғлиқ элементлари; ўзаро боғланган объектлар

мажмуи; моҳият (сущность) ва муносабатларнинг мажмуи (совокупность).

Тизимли таҳлил ҳаракатларимизни бир усул асосида ташкиллаштиришдир. У ҳар қандай фаолият турига тегишли бўлиб, у қонуниятлар ва элементларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаган ҳолда улардан самарали фойдаланиш мақсадида қўлланилади. Баъзида тизимли таҳлил нафақат муаммони ҳал қилиш методи сифатида, балки вазифани аниқлашда, белгилашда ҳам ишлатилади. Бежиз айтилмайди: “Яхши савол – жавобни ярми”. Бу усул юқори сифатли, оддий предметларни билиш усулларидан фарқ қилади.

Тизимли таҳлилнинг асосий тамойиллари – охириги мақсад тамойили, иерархия тамойили, баҳолаш тамойили, функционаллик тамойили, эквивионаллик тамойили, ривожланиш (тарихийлик, кашф этиш) тамойили, бирдамлик тамойили, боғлиқлик тамойили, марказдан узоқлашув (децентрализация) тамойили, модул қурилиши тамойили, ноаниқлик тамойили кабилардир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва аниқ бир мақсадга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Охириги мақсад тамойили – тизимли таҳлил қилишда биринчи навбатда тадқиқот олиб боришнинг мақсадини белгилаб олиш лозим. Ўзгарувчан ва ноаниқ мақсадлар нотўғри хулосаларни олиб келади. Тадқиқот олиб борилаётган тизимнинг таҳлилини биринчи ўриндаги асосий мақсадни очиб бериш асосида олиб бориш керак. Бу эса ўз навбатида таҳлилнинг асосий таркибини, сифат кўрсаткичларини ва баҳолаш критерийларини аниқлашга имкон беради. Шунингдек, тизимни синтез қилишда, ҳар қандай ўзгартириш ёки такомиллаштириш охириги мақсадга эришишда ёрдам бериши ёки ҳалақит қилиши нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Баҳолаш тамойили. Ҳар қандай тизим фаолиятининг сифатини бошқа юқори даражадаги тизимга нисбатан баҳолаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тизим фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун уни умумий катталиқнинг бир қисми сифатида тақдим этиб, изланилаётган тизим ташқи хусусиятларининг баҳосини супертизимларнинг мақсад ва вазифаларига қиёслаб белгилаш жоиз.

Эквивионаллик тамойили. Тизим, вақтдан ҳоли равишда ва тизимнинг хусусий жиҳатларидан белгиланадиган турли хилдаги бошланғич талаблар ва йўналишлар ёрдамида, талаб этилаётган охириги кўринишга етиши мумкин. Бу бошланғич ва чегарадош талабларга нисбатан чидамли формадир.

Бирдамлик тамойили. Бу тизимларни биргалиқда бир бутунлик ва қисмлар (элементлар)ни йиғиндиси сифатида қарашдир. Тамойил тизимга бир бутунлик сифатида қарашни сақлаб қолган ҳолда, қисмларга бўлиб, унинг “ичига назар” солишга қаратилган.

Боғлиқлик тамойили ҳар қандай қисмни унинг атроф-муҳити билан бирга кўриш деганда тизим элементларининг ўзаро боғлиқлигини ва ташқи муҳит билан боғлиқлигини аниқлаш (ташқи муҳитни инобатга олиш) тушунилади. Мазкур тамойилга асосан тизимни, биринчи ўринда, супертизим ёки катта тизим деб номланган, бош тизимнинг бир бўлаги

(элементи, бўлинмаси) сифатида қараш лозим.

Иерархия тамойили қисмларнинг иерархиясини ўрнатиш фойдали бўлиб, тизимни шакллантиришни осонлаштиради ва кўриб чиқиладиган қисмларни аниқлайди.

Ривожланиш тамойили. Бу тизимнинг ўзгарувчанлигига, унинг ривожланиш қобилиятига, мослашиш, кенгайиш, қисмларининг ўзгариши ва ахборотларнинг йиғилишига ўргатади. Тизимни синтез қилиш асносида ривожлантириш, шакллантириш ва такомиллаштириш имкониятини инобатга олиш талаб этилади. Одатда, функциянинг кенгайтирилиши янги, мавжудлари билан мос кела оладиган, модулларни киритиш имконияти мавжудлиги доирасида кўрилади. Бошқа тарафдан, ривожланиш тамойили таҳлил қилишда тизимнинг ривожланиш тарихи ва унинг фаолиятининг қонунчилигини очиб берадиган бугунги кунда мавжуд тенденциясини инобатга олишни назарда тутати.

Марказдан узоқлашув (децентрализация) тамойили – бу марказлашиш ва марказдан узоқлашиш тизимларининг мураккаб аралашувидаги бошқарув бўлиб, қоидага кўра, қўйилган мақсадни амалга оширишда марказлашиш даражаси минимал кўринишда бўлиши керак.

Тарих соҳасида таҳлил қилишнинг ижтимоий вазифаси жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини ҳал қилишда, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришда, маданий-маънавий ҳаётнинг янада тараққий этишида муҳим роль уйнайди. Тарихнинг бу амалиёти ижтимоий, иқтисодий, фан-маданият, адабиёт ва санъат ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги муаммоларни акс эттириш ва ҳал этишда, инсоният тамаддуни тараққиётида катта ўрин тутати.

Ҳар қандай тарихчи ҳам яхши тарихчи бўла олмайди, худди шунингдек, ҳар бир тарихчи ҳам яхши таҳлил этувчи бўла олмаслиги мумкин; бунинг учун муайян истеъдод, синчковлик ва таҳлилий лаёқат талаб этилади.

Бундан ташқари, талқин билишнинг муҳим жараёнидир. «Интерпретация (лат, *interpretatio* – талқин, изоҳлаш) – формализм унсурларининг тушунча ва билдирувлари маъносини аниқлашнинг когнитив процедураси бўлиб, аппликация воситасида уларни у ёки бу предмет соҳасида тушунтиради, шунингдек мазкур процедура натижасини ҳам аниқлатади. Талқин муаммоси гносеология, мантик, илм-фан методологияси, тил фалсафаси, семиотика, коммуникациялар назарияси ва б.ларнинг асосий муаммоларидан биридир... Ижтимоий-гуманитар соҳаларда талқин тушунчавий вербал тузилмаларнинг қийматини тайин этиш учун амалга оширилади ва амбивалент тарзда тушунилади: уларнинг предмети соҳасига аппликация тарзида (масалан, юриспруденция амалиётида қонун-қоидалар ифодасини индивидуал-конкрет вазиятда идентификация қилиш), ҳам бундай аппликациядан ташқарида – ифоданинг у ёки бошқа бир маънони билдириши). Ушбу иқтибос у ёки бу бирон фактнинг бир қанча талқинлари бўлиши мумкинлигини далиллаш учун келтирилди. Улардан энг тўғриси – тарихий фикрга мутаносиб келадиганини танлаб олиш ҳам муаллифнинг мақсадга элтувчи вазифаларидандир.

Талқин давомида фактларга бир томондан, уларнинг табиатига мос келадиган, бошқа томондан эса, асарни яратишдан мақсадга мос бўлган маъно берилади. Тарихчи эса шуни ҳисобга олиши керакки, асарда муаммони акс эттириш ҳеч қачон аслият (баён этилаётган воқеа) га тўла-тўқис мос келмайди, бинобарин, унинг вазифаси – ўз тафаккурини воқелик ҳамда баён этилаётган фактларга максимал даражада яқинлаштиришдан иборатдир. Қисқаси, талқин фактлар ва муаллифнинг позициясидан юзага келади, деб айтиш мумкин. Башарти ёзувчининг фикрлари унинг дунёқарашидан келиб чиқиб шаклланса, тарихчи ўз ғоясини факт ва унга ўзининг муносабатидан келиб чиқиб баён этади.

Талқин фикр мантиғи ва изоҳлаш методологияси орқали амалга ошади. Янги фикр тарихий усуллар ёрдамида, конкрет фактлар орқали баён этилади, бунда фактлар мавжуд, нақд бор бўлган билимдан шохидлик беради. Бунда воқеликнинг замирида турган фактларнинг алоқадорлигини очиб бериш бирмунча қийин кечади, шу боисдан тарихчининг фикри у қай даражада аниқлик билан воқеаларнинг горизонтал (одамлар ва гуруҳлар, миллатлар ва халқлар ўртасидаги) ёки вертикал (замонлар оша) алоқадорлигини топа олса, шунчалик кадр топади. Бунда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, тарихчи биринчи навбатда аудиториянинг оммавий англовчилик даражасига эришиши даркор.

Умумлашган тарзда, фактларнинг тарихчи томонидан таҳлил этишнинг ғоявий принциплари қуйидагича, деб айтиш мумкин:

- тарихий дунёқарашининг фалсафий илдизлари;
- умуминсоний ва миллий қадриятлари уйғунлиги;
- диний бағрикенглик;
- Ватан тақдирига тарихий ёндашув;
- тарихий хотира ва аждодларнинг муборак номларини тиклаш;
- глобаллашиш омилларини ҳисобга олиш: ҳозирги замоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ва бошқа масалаларини кўзда тутиш;
- халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон манфаатлари;
- бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели;
- миллий тараққиётнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш;
- мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Ватаннинг гуллаб-яшнаши, мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик;
- халқнинг фаровонлиги, мамлакат элларининг ижтимоий бирдамлиги;
- миллатлараро тотувлик;
- диний бағрикенглик, диний фундаментализмга ён бермаслик;
- маҳалла институти, оила, урф-одат ва анъаналарни қўллаб-қувватлаш;
- ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш ва бошқалар.

Таҳлил ва талқин муаллифнинг шахсияти орқали амалга оширилади. Таҳлилда, фаолиятнинг бошқа барча турларидан айрича равишда, тарихчининг дунёқараши, дунёни идрок этиши, билими ва энг муҳими – тафаккур тарзи ҳамда фуқаровий позицияси яққол акс этади.

### 1.3. Тарих соҳасида тизимли таҳлилнинг қўлланилиши

Бугунги кунда миллий манфаатларимизга таҳдид ва хавф-хатарлар мавжуд бўлган бир пайтда халқаро майдонда кечаётган жараёнларни чуқур англаш зарурати туғилмоқда. Минтақамизга дунёдаги қудратли кучларнинг турли даражада таъсир кўрсатганлигини кириб келаётган ахборот оқимлари орқали ҳам англаш мумкин. Бундай шароитда мамлакатимизда ташқи сиёсат борасида юқори салоҳиятга эга бўлган мутахассисларни тарбиялаш, уларни қайта тайёрлашга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. Каримов: “Миллий хавфсизлик тизими учун хавф-хатарнинг олдини олиш ва уни бартараф этишда олдиндан чора кўриш услуги кўпроқ қўл келади. Шу билан бирга, чуқур ва кенг миқийсли таҳлил қилишга қодир ахборот марказларни барпо этиш муҳим аҳамиятга эга”, дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ахборот омили муҳим ўрин эгаллаб, уларни мақсадли таҳлилини амалга ошириш Тарих соҳа вакилидан алоҳида тайёргарликни талаб этади.

Замонавий тадқиқотлар жараёнида тарихий материалларнинг таҳлилини амалга оширишда қўлланадиган усуллар, мезонлар ва уни баҳолаш тамойиллари каби масалалар тарихчилар фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Турли маданият ва турли тарихий даврларда дастлабки асос сифатида одамларда яхлит ижтимоий воқелик асосида ижтимоий ахборот жамланмаси мавжуд бўлган. Дастлаб бу воқилик шахс томонидан ўз-ўзидан келиб чиқадиган нарсадай қабул қилинади, гуёки унинг талаб, истак ва қизиқишларидан мустақил бўлиб, онг ости даражасида қайта ишланади ва кейинчалик унда англаган танқидий ва танланадиган муносабат шаклланади. Инсон бу воқеликни интериоризациялайди, ўз мулкига айлантиради, ижтимоий тажриба орттиради. Ижтимоий воқеликда субъект ўз хулқини бошқара олишга қодир бўлади. Ўз хатти-ҳаракатлари натижасини олдиндан билади, мотивлар, бошқаларнинг ниятини жамиятда қабул қилинган меъёр ва қадриятларидан келиб чиқиб аниқлайди. Аслида дунё мураккаб тузилишга эга. Чунки инсон предмет ва ҳодисалар, атрофдаги дунёни ижтимоий белгиланган вазифалар нуқтаи назардан кўради. Аммо субъектга ижтимоий воқелик жуда оддий ва тушунарли кўринади. XX асрда ёзув тарихига оид бир қатор асарлар яратган муаллиф В.Истрин бундай ёзган: “Ёзув назариясининг муҳим масалаларидан бири, ёзувнинг моҳияти, яъна унинг мақсади, қўлловчи воситалари, тил ва тафаккурга муносабати ҳисобланади”, деб ёзган эди.

Матн таҳлилини амалга ошириб ишончли хулосаларга келиш мумкин. Бундан кўзланган асосий мақсад сиёсий матнларнинг тузилиши, унинг қайси тингловчи ёки аудиторияга қаратилгани, уларни қандай таҳлил қилиш, ижтимоий аҳамияти, шахс камолотига таъсири, давлат ва жамият равнақи йўлида қандай хизмат қилиши мумкинлигига оид маълумотларни олишдир.

Тарихчи учун тарих соҳасида тадқиқотлар ўтказувчилар учун муҳим ҳисобланади ва буни касбий лойиқлик жиҳатидан алоҳида баҳолаш мумкин. Матн мазмун жиҳатдан ҳам тавсифланади, давлат ва жамият равнақида

сиёсий матн ва унинг турлари муҳим ўрин тутди.

Маълумки, бугунги кунда дунёдаги оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборотларнинг асосий қисмини турли матнлар ташкил этади. Тадқиқотчиларнинг асосий таҳлилий фаолияти матн кўринишидаги ахборотлар билан боғлиқдир. Матн – шахс тафаккури маҳсули бўлиб, шахсга тегишли хусусиятларни ўзида акс эттиради. Жумладан, сиёсий соҳага бағишланган ижтимоий матнлар муҳим аҳамиятига эга. Муаллифнинг у яшаб турган жамият ҳаётидаги мавқеига қараб матннинг муҳимлик даражаси ҳам ошиб бораверади. Таҳлил давомида тарихий жарёнларга таъсир кўрсатувчи асосий субъектларни ўрганишда сиёсий матнлар таҳлили (матннинг вужудга келиш сабаби) ва мақсади тарих фани нуқтаи назаридан муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Биринчидан, бир вақтнинг ўзида матн аниқ субъект фаолиятининг маҳсули ҳисобланади, иккинчидан, аниқ бир ғояни етказувчи воситадир. Бу эса, бевосита сиёсат фалсафаси, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанлар доирасида амалга тошириладиган тадқиқотларнинг объекти ҳисобланади. Илмий таҳлилни амалга ошириш қўйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир:

1. Илмий материаллар тузилиши, йўналиши ва мақсадига кўра ўзида аниқ бир ғояни акс эттиради. Бу ўз навбатида, сиёсий жараёнларнинг кечиши, бошқарилишига у ёки бу тарзда таъсир ўтказади.

2. Тарихий жараёнларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш, аниқ илмий услубларга таянган ҳолда таҳлил қилиш, баҳолаш, прогнозлашда тарихий материаллар алоҳида аҳамият касб этиб, уларнинг мақсадли таҳлилини ошириш бўйича мавжуд илмий ёндашувларни қиёсий тарзда ўрганиш талаб қилинади.

3. Тарихий жараёнлар, жумладан ташқи сиёсий масалаларга бағишланган матнлар бошқа турдаги матнлардан ажралиб туради. Шу сабабли илмий матнларни тайёрлаш ҳамда узатишга оид кўрсатма, услубий қўлланмалар тайёрлашга ва ўқитишга институционал даражада эҳтиёж ошиб бормоқда.

Илмий таҳлилга асосланган матн ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, аниқ бир ғоя асосида яратилади. Илмий таҳлилга асосланган матн бошқалардан фарқли ўлароқ, мавзу йўналиши жихатидан ички ва ташқи тарихий масалаларга бағишланган матнларга ажратиш мумкин.

#### **Назорат саволлари:**

1. Тарих ва замонавий тадқиқотлар тушунчаси, структураси.
2. Таҳлил турлари ва тизимли таҳлил, уларнинг фарқлари ва моҳияти.
3. Тарих тамойиллари. Холисона, мустақил таҳлил.
4. Хориж мамлакатлари тарихий тамойиллари.
5. Тарихий материалларнинг илмий таҳлили.
6. Тарихчининг таҳлил маҳорати кўринишлари.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

ҳаракатлар стратегияси бўйича” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 07.02.2017.

2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, Ўзбекистон, 2017.

5 Самаров Р., Раджапов А. Сиёсий матн таҳлили. Т: Академия .2010

6. Антонов А.В. Системный анализ. - М.2002.

7. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб: СПб ГТУ, 2003

## 2-мавзу: Тизимли ёндошувга доир қарашлар таснифи.

### *РЕЖА:*

*2.1. Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари.*

*2.2. Тарихда тизимли таҳлилнинг қўлланилиши.*

**Таянч иборалар:** *метод, умумий методлар ва тизимли таҳлил методлари, таҳлилий методлар, тизимли метод усуллари, креатив, психологик таҳлил.*

### *2.1. Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари*

XX асрнинг иккинчи ярмидаги ярмидаги бошланган ва ҳозирда ҳам давом этиб келаётган илмий-техникавий инқилоб янги илмий йўналишларни, турли махсус тадқиқий ёндашувларни ва фанларни ривожланиши билан характерланади. Масалан, кибернетика, мураккаб тизимлар назарияси, тарихий опреацияларни тадқиқ қилиш, таркибий, вазифавий метод ва бошқаларни келтириш мумкин. Илмий билимларни ихтисослашуви жараёни билан бирга акс жараёнлар – узлуксиз ғоялар ва турли хил фанлар методлар синтези ҳам содир бўлмоқда.

Илғор йўналишлардан бири сифатида тизимли ёндашув ва у билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар жараёнини математикалаштириш ва моделлаштириш бўлиб қолди. Уларда айниқса техник, табиий ва ижтимоий фанларни синтези яққол кўзга ташланиб қолди. Тизимли ёндашувда объект турли хил мураккабликдаги тизим элементлари сифатида кўриб чиқилади ва тадқиқ қилинади. Шу билан биргаликда, бу жараёнлар негизда содир бўладиган умумий жараённи боғлиқлиги ҳам кўриб чиқилади.

Айниқса, сўнгги йилларда тарих соҳасида жараёнларни тадқиқ этишда тизимли ёндашув муҳим роль ўйнамоқда. Чунки тизимли ёндашув илмий билишнинг даражасини етарли даражада кенгайтириш, илмий билимларни кенг миқёсда синтезлашга эришиш ҳамда ўрганилаётган ҳодиса ва объектлар ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бунга эса муайян бир тадқиқот объектга фаннинг турли хил соҳаларида қўлланиладиган мантиқий ва методологик воситаларни тадбиқ этиш орқали эришиш мумкин.

Бу ёндашув моҳиятини чуқур англаш учун эса энг аввало “тизим” тушунчасини таҳлил этиш лозим. Тизим ўз ичига ўзаро бир-бири билан боғланган объектларнинг яхлит мажмуасини олади.

Тизим материалли объектлар, терминлар, белгилашлар ва бошқалардан ташкил топиш мумкин.

Тизим тадқиқотнинг муайян босқичида структуралашмаган деб

ҳисобланувчи элементлардан ташкил топади. Тизимдаги элементлар ва алоқалар тадқиқ этилаётган тизим тузилмасини шакллантириб муайян кетма-кетликда бўлади.

Тизимни ўрганиш унинг тузилмаси ва элементлар ўртасидаги алоқаларни тадқиқ этиш ва уларнинг яхлит тизим характериға таъсирини аниқлашдан иборат.

Тизимни яратиш ва тадқиқ этиш воситалари ва методларини ишлаб чиқиш билан тизимли таҳлил шуғулланади. Тизимли таҳлил, деганда мураккаб объектларни, яъни ўзаро бир-бири билан алоқадор бўлган элементларнинг мураккаб мажмуасини ўз ичига олган тизимларни ўрганиш учун мўлжалланган усуллар ва методлар мажмуаси тушунилади.

Тизимли ёндашув усули ёрдамида турли хил элементлар тўпламидан ташкил топган объектларни яхлит тадқиқ этиш мумкин.

Ижтимоий фанларнинг бошқа соҳалари каби тарих йўналишида ҳам тадқиқот объектлари, худди шунингдек, қандайдир мақсадға эришиш йўллари ва усуллари алоҳида элементлари бир-бири билан ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликда бўлган мураккаб тизимни ифодалайди. Чунки, бугунги замонавий касб эгаси замонавий технологияларни қўллай олиши, сўнгги техник воситалар бўйича ишлай олиши, жиҳозларни бошқара олиш ва уларни таъмирлай олиши, носозликларни бартараф эта олиш, ҳисоб – китоб ишларини бажара олиш ва бошқа шу каби бир қатор кўникмаларға эға бўлиш керак деб ҳисобланади.

Бу қайд этилган компоненталар алоҳида элементлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган замонвий касбий таълим тузилмасини ташкил этади.

Ю.К. Бабанский педагог тадқиқотчиларнинг ўқитиш метод ва воситаларини танлашға нисбатан ишлаб чиққан талабларни таҳлил этиб, бу талабларнинг яхлитлиги фақат ўқитишға тизимли ёндашув асосида таъминланиши мумкинлиги қайд этган. Бунда талаблар ўқитиш тамойилларидан келиб чиққан ва ўқитиш жараёнининг барча компоненталарини (мақсад, мазмун, восита, кутилаётган натижа ва ташқи шароит) қамраб олган бўлиши лозим. Ю.К. Бабанский хулосасиға кўра ўқитишнинг оптимал тузилмасини танлашға қўйиладиган методологик талаб ўқитиш жараёнининг барча асосий компоненталарини яхлит қамраб олишдан иборат бўлиши керак. Ўқитиш тузилмасиға бундай тизимли, яхлит ёндашув ўқитиш методларини танлашға бир томонлама ёндашувнинг олдини олади ва уларни ўқитиш метод ва воситаларини асосли танлашға йўналтиради.

Агар тадқиқот объекти ўқувчи бўлса у ҳолда тадқиқотчи яхлитлик, ўзаро алоқадорлик ва ўзаро муносабатлар биологик, психологик ва социал хусусиятларида намоён бўладиган шахсларнинг мураккаб тизими билан иш кўришға тўғри келади. Бунда ўқувчининг ёш ва жинс хусусиятлари, темпераменти ва бошқалар ҳисобға олиниш керак.

Агар тадқиқот объекти сифатида ўқитиш мазмунини тадқиқ этишға имкон берувчи методлар ва воситалар қаралса, тадқиқотчи яна ўқитиш воситалари ва усуллари ўзаро узвий боғланган ва бир-бириға боғлиқ ҳамда

танлашда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари эътиборга олинishi лозим бўлган тизимлар билан иш кўришга тўғри келади.

Демак, педагогик жараён кўп томонли жараён. Уни қандайдир бир фан ва битта тадқиқот методи билан назарий жиҳатдан синтезлаш мумкин эмас. Шунинг учун педагогикада методлар тўплами ҳақида фикр юритилади. Бу айниқса ўқув- тарбия жараёнининг самарадорлиги ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш дидактика, умумий, муҳандислик ва меҳнат психологияси, социология ва бошқа шу каби фанлар қонуниятлари ва методларидан фойдаланишга тўғри келадиган касбий таълим педагогикасига таалуқлидир. Фаннинг бу соҳаларида бир вақтда ёки кетма-кет қўлланиладиган методлар касбий таълим педагогикасида умумий мақсадга олиб келувчи ўзининг муайян топшириқларини бажаради. Шунини таъкидлаш керакки, бошқа фанлар методлари касбий таълим педагогикасига тайёр ҳолда кўчириб ўтказилмайди. Улар касбий таълим педагогикасининг специфик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мослаштирилади ҳамда тадқиқот объекти ва масаласига мос ҳолда уларни тўлдириш ҳамда қайта ишлаш керак.

Бошқа фанларда қўлланиладиган методларни ижодий тўлдириш ва улардан илмий билишда мақсадли фойдаланишгина касбий таълим педагогикасида вужудга келадиган мураккаб тизимларни муваффақиятли тадқиқ этиш имконини беради.

Касбий таълим педагогикаси бўйича тадқиқот мажмуавий характерда бўлиши керак. Фақат шу ҳолдагина касб –ҳунар таълимини ўрганиш жараёнида олға силжиш ва уни такомиллаштиришга эришиш мумкин. Бу эса касбий таълим педагогикаси тадқиқот соҳаларига тизимли ёндашув тамойилларини қўллаш зарурлигини кўрсатади. Шуларни эътиборга олиб, С.Я. Батушев ҳозирги вақтда педагогик тадқиқотларда тизимли ёндашув жуда кам қўлланилаётганлигини ва тизимли объектларни ўрганишнинг махсус методларини ишлаб чиқиш зарурлигини, касбий таълим педагогикасига хос бўлган хусусий тизимли концепция ва назариялар куришга тизимли тадқиқот методологиясини яратиш вақти келганлигини алоҳида таъкидлаган.

Тизимли ёндашув педагогик тадқиқотлар умумий схемасини ва тузилмасини бузмайди ва амалда синалган асосий методларни йўққа чиқармайди ҳамда тадқиқот методларига ҳеч қандай янгилик киритмайди.

Олимлар ҳозирга қадар методни ижодий категория сифатида тадқиқ этиб келдилар. Методлар сони муқаррар тарзда кўпайиб бормоқда, янги-янги методлар кашф этилмоқда. Ф.А. Мўминовнинг нуқтаи назарига кўра, метод на ижодий, на фаолиятга оид ёки на муаллифга тааллуқли категория ҳисобланади, балки, субстанционал категориядир, у тарихчига алоқадор бўлмай, тарихнинг ўз спецификасидан келиб чиқади.

Методларни уч сатҳга тақсимлаш мумкин: ялпи, умумий ва хусусий. Ялпи сатҳ сифатида диалектикани кўрсатиш мумкин. Умумий метод эса ўрта сатҳ бўлиб, у бутун соҳага, фаолият турига оид, айти ўринда тарих ва тарих учун ягонадир. Хусусий методлар эса ҳаддан ташқари кўп, улар ўз

ички табақаланишига эга.

Метод – ички, моҳиятга тааллуқли, субстанционал ходиса, у потенциал кинетик шаклдаги статистика. Бошқача айтганда, бир лаҳзага тўхтаган ва назарий жиҳатдан кўриб чиқиб тасаввур этиш учун қотириб қўйилган динамикадир. Метод – тарихнинг ўз универсал спецификаси нуқтаи назаридан ҳажман ва шаклан ички илгариланишининг баайни фотосурат каби бўлган тарзидир.

Умумий методнинг камида еттита ўзига хос белги-аломатлари бор. Биринчидан, метод тарихнинг ички хусусиятидир. Иккинчидан, умумий метод майда бўлмай, ягона тушунчадир. Учинчидан, ўз кўламига кўра умумий метод глобал характерга эга ва унинг бир жиҳати – максимал ички илгариланиши нуқтаи назаридан тарихнинг ўзига тенгдир. Тўртинчидан, бу тарихнинг ўз инкишофи йўлидаги илгариланиши, яъни моҳиятини ўз спецификасидан фойдаланиб рўёбга чиқаришидир. Бешинчидан, умумий метод – фақат тарихнинг спецификасигагина тааллуқли, бошқа ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган объектив категориядир. Олтинчидан, метод – бу йўл, яъни илгариланишидир. Аммо, назарий жиҳатдан методни фақат бир ҳолатда – бу ҳаракатни бир лаҳзага бўлса-да, тўхтатган равишда – тутиб кўриш, англаш, идрок этиш мумкин. Амалда бундай ҳаракат асло тўхтамай давом этади, биз уни тўхтатган ҳолат эса фақат фикрий ходиса бўлиб, бундан мақсад тарих методи ҳақидаги фанга аниқлик киритишдан иборатдир. Еттинчидан, тарих методи муқаррар равишда тарихни акс эттириши, ички ўз инъикоси сингари акс этиши демакдир.

Тарихнинг умумий методи унинг ўз мақсадини ўз хусусий спецификасидан фойдаланиб тарихнинг ички ҳаракатини амалга ошириш йўлидир. Умумий метод объектив категория, у тарихчига боғлиқ эмас. Тарих ўз қонунларига кўра амал қилади, у фақат ўз спецификасигагина боғлиқ. Ана шу қонунлар туфайли тарих ўз қиёфасига, ўзига хосликка эга бўлади ва улар орқали аудитория уни танийди.

Тарих методи тарихнинг ўзига тенг тушунчадир, аммо унинг ўзига хос бир жиҳати (бу асосий) унинг максимал ички илгариланишидир. Метод тарихга кесма тарзда, “ажратиб олинган” ҳолда, ўз мазмунининг (спецификасининг) ички илгариланиши асносида бир лаҳза тўхтаган равишдаги тарзида тенг, аммо ҳаракатнинг давомийлигини англатадиган, хронологик ёки тушунчанинг бошқа бир моддий давомийлиги тарзида тенг эмас.

Албатта, тарих методини кўп тадқиқотчилар инкишоф этишга уринганлар, улардан айримларини биз юқорида қайд этиб ўтдик. Бироқ тарихнинг умумий методи ҳалига қадар топилган эмас. Мутахассисларнинг бу борадаги принципиал хатоси шундаки, улар методнинг кўп сонли ва кўп сатҳли намоён бўлишини ўрганганлар, аммо умумий метод деган нарсанинг ўзи улар эътиборидан четда қолган. Ҳатто тарихнинг умумий методини топиш масаласи фан олдига аниқ-тиниқ равишда қўйилмаган ҳам (биргина истисно – В.И. Здровега уни топиш амри маҳоллигини айтган).

Тарихнинг умумий методини тақдим этишдан аввал бу борадаги энг

охирги масалага тўхталиб ўтмасак бўлмас. Метод тадқиқ этилаётган ҳодиса, объект (бу ўринда Тарих) нинг мазмуний ҳамда шаклий ўзига хосликларига боғлиқ бўлади. Шу боисдан ҳам Тарихнинг алоҳида ўзига хосликлари юзасидан кузатишларимизни умумлаштирамиз. Тарихнинг умумий методи – долзарб, экспрессив, оммавий, ижтимоий рефлексиядир деган гипотеза ҳам мавжуд. Экспрессив – эмоционал демакдир. Оммавийлик – матбаа асари, радио, телевидение ва Интернет ўқувчисининг адади катталигини билдиради. Ижтимоий дегани эса Тарихий фаолиятнинг социал йўналиши ва характерини кўрсатади. Рефлексия – Тарихий асарда кенг халқ оммасининг меҳнати ва турмуши, фикр ва орзу-интилишлари акс этиши демакдир.

## **2.2.Тарихий тадқиқотларда тизимли таҳлилнинг қўлланилиши**

Дунё турли хил шароитларда тарихий барқарор соціоиҷтимоий тизимда тарихий жараёнларини ривожланишини ўзига хос қонуниятларга эга эканлигини кўриш мумкин. барча уччун умумий бўлган қонунийлик (ривожланиш тенденциялари) турли халқларнинг ривожланиш йўли уларнингмавжудлиги ва ривожланиши спецефикасига мос ҳолда эканлигини англаш мумкин.

Жамият ривожини икки хил омиллар таъсирини учрайди: субъектив ва объектив. Тизимли таҳлилда тарихий жараён куйидаг объектив таъсири ҳисобга олинади: 1) ташқи муҳит (иқлим, геофизик, худуднинг алоқа имкониятлари, унинг ўлчамлари ва табиий ресурслари); 2) геополитик шароитлар (қўшни халқлар, улар билан ўзаро алоқалар характери, бошқа халқларга таъсири); 3) демографик ҳаракатлар (аҳолининг сони ва зичлиги, алоқаларнинг интенсивлиги, уларнинг ўзгариш суръатлари); 4) ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш кучларининг ривожини. Субъектив омилларга куйидагилар киради: 5) халқлар ҳаётининг фаолиятининг цивилизацион этник ўзига хосликлари; 6) давлат ва жамият тузилишидаги ҳукмрон ғоялар; 7) давлат фаолларининг, тарихий шахсларнинг, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг ва уларнинг лидерларини ва кашфиётчиларининг фаолияти.

Бу омилларнинг ҳар бири жамият ривожининг турли босқичларида тарихий ривожланиш жараёнларига турли даражада таъсир ўтказиши. Уларнинг таъсири остида халқларнинг ривожланиш жараёни, суръати, шакли ва йўналишига қараб фарқланади. Тарихда куйидаги асосий ривожланиш турлари маълум: 1) прогрессив йўналишдаги тез сифатли ўзгаришлар (инқилобий тур); 2) секин ўзгаришлар (эволюцион тур, как ҳам стихияли, ҳам ислохотлар кўринишида); 3) жойида топталиш (стагнация); 4) попятное движение к прошлому (регресс).

Таҳлилий тарих реал ҳаётни ўрганишда таҳлилий усул шаклини тадбиқ этади. Унинг асосий ғояси – Тарихчининг назарига тушган ҳар қандай ҳодиса бошқа ҳодисалар билан биргаликда кўриб чиқилади. Ушбу муносабатларни сабабини аниқлаш ёки баҳолаш ва прогностик нуқтаи назардан ўрганиш мумкин. Таҳлилий усулга асосланган матнларни асосий вазифаси ижтимоий ҳодисаларнинг туб моҳиятини, тенденцияларни, уларнинг оқибатларини

аниқлаб беришдан иборат, ҳамда турли илғор тажрибаларни тарғиб этиш, самарасиз ёки зарарли усулларни, амалиётни фoш этиш ва танқидлаш. Маълум даражада атамалар “таҳлилий тарих”, “тарихий таҳлил”, “таҳлилий матн” бошқа анъанавий тарих турларига нисбатан чегараланганга ўхшайди ва ахборот, бадиий-тарихий йўналишларга қарши туради.

Янгиликлар тарих ёки “биринчи даражали тарих” учун биринчи навбатда янги маълумот, хабарларни йиғишдир. Ахборотчи-тарихчининг вазифаси фақат фактларни излаб муҳаррирларга етказишдир. Ушбу маълумотларни таҳлил қилиш, баҳолаш ҳуқуқи фақат тарихчи-таҳлилчиларга берилган, улар турли соҳалар бўйича ўзига хос таълим, билимларга эга (иктисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт, санъат ва ҳ.к).

Тарихчи таҳлилчи чуқур фикрлаш қобилияти, турли ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни, уларнинг аҳамиятини кўриш ва тушуниш каби фазилатларга эга бўлиши керак. Таҳлилий тарихда турли бошқа тарихий фаолиятида қўлланилган методлар ишлатилади. Ҳамма методлар иккита катта гуруҳга бўлинади: 1. Эмпирик (маълумотларни тўплаш усуллари): кузатиш, интервью, ҳужжатлар билан ишлаш, эксперимент, сўров ўтказиш); 2. Назарий (маълумотларни таҳлил қилиш): таҳлил ва синтез, мантиқий, тарихий, гипотезали, индукция, дедукция, традукция. Таҳлилий тарихда энг фаол ишлатилган метод бу – назарий тур. Бу усулларнинг қўлланилиши тарихчини илмий тадқиқот олиб борувчи олим билан яқинлаштиради. Ушбу жараёнда таҳлилчи тарихчи мунозара, дидактик, риторик, исботлаш, ишонтириш каби усуллардан фойдаланади.

Фактлар ва уларнинг турлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. «Факт (лот. *factum* – амалга ошган) – субъект-объект тарзида яққол акс этадиган тушунча бўлиб, реал воқеа-ҳодиса ёки фаолият натижасини ифодалайди (онтологик аспект) ва эмперик билим алоҳида турини таърифлашда қўлланиладиган, бир томондан, назария ёки гипотезанинг бевосита негизи (айрим ҳолларда эса назариянинг ўзи) бўлиб, дастлабки эмперик умумлашмаларни амалга оширади, иккинчи томондан эса ўз мазмунида уларнинг семантик таъсири изларини (мантиқий-гносеологик аспект) ташийди.

Мантиқ ва илм-фан методологиясида эмперик фактлар назарияга нисбатан хилма-хил функцияларни бажаради: унинг келиб чиқишига негиз бўлади, у ёки бу гипотезани (айрим ҳолларда эса назариянинг ўзини ҳам) текшириш ва тасдиқлаш ёинки уни инкор этиш ролини бажаради. Илмий назария тараққий этиши асносида янги фактлар келиб чиқишига озиқ беради ва уларни тавсифлайди, талқин этади ва башоратчилик функциясини ҳам адо этади. Шундай қилиб, эмперик фактлар ва назария илмий билим равнаки жараёнида диалектик тарзда ўзаро боғланган. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки айнанлаштириш фактуализм ва теоретизмга – илмий билимлар тараққиётида фактларнинг роли борасида ўта бирёклама ва ўзаро зид ёндашувларга олиб келади».

Бунда қуйидагиларни қайд этиб ўтиш керак. Биринчидан, тарихи анализнинг спецификаси шундайки, бунда айнан эмпирика, яъни тажрибада

ҳосил қилинган билим аудиторияга тушунарлироқ бўлади, соф назарий ёндашувларни эса аудитория унча тушунавермайди. Иккинчидан, фактларни кўриб чиқишнинг ҳозирги ёндашуви аввалги рационализмни инкор этади ва фактлар локал муҳит ва муайян бир вақт доирасида қолиб кетмаслигини тақозо этади. Бу ҳол Қорақалпоғистон шароитида айниқса муҳим, зеро экологик муаммолар фақат Оролбўйи минтақасигагина тааллуқли деб қаралмаслиги даркор, зеро унинг оқибатлари кенг ёйилмоқда.

Тарихда долзарб ижтимоий масалалар ҳам фактлар сифатида келади. Тарихий асар мазмунининг унсурлари сифатида конфликт, муаммо, қарама-қаршилиқ, ҳодиса, аниқ маълум бўлган ҳолат, реал ҳодисалар факт бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қисқаси, бу муаллиф ёки бирон бошқа кимса томонидан ўйлаб топилмаган ҳар қандай воқеа бўлиши мумкин. Ёритилаётган фактларнинг тарихий даражаси ҳам ўзаро мувофиқ бўлиши шарт. Фактларнинг энг юқори босқичи жаҳон фактлар (дунё миқёсидаги фактлар) дирки, Орол денгизининг қуриши ҳам шунга киради. Ўзбекистонга тадбиқан олганда эса, ўтмиш билан ҳозирги замонни муқояса қилиш, мустақилликка қадар ва мустақиллик даврини чоғиштириш орқали тарихий контрастлар пайдо қилиш ҳам самарали йўллардан биридирки, оммавий аудитория диққатини жалб этишнинг бу синашта усулидан тарихчилар фойдаланиб келинаётир.

Фактларни, уларни кўриб чиқишга бўлган ёндашувлар методи бўйича ҳам ажратиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, тарихчи билан оддий бир одам уларга турлича баҳо бериши мумкин. Оддий одам деярли бирон жиддий нарсани пайқаманган бир ҳодисада, тарихчи ижтимоий муаммони кўриши мумкин. Тарихий позицияни бундай ҳолларда жамиятга хос ҳамда илмий-таҳлилий деб аташ тўғрироқ бўлар эди. Факт, одатда, реалликнинг синоними, яъни конкрет, муайян бир воқеанинг акс этиши, натижа деб тушунилади.

Аммо фактлар постмодернчилар талқинида тамоман бошқача қиймат касб этади. Чунончи, Ж. Бодрийяр ўтмишдаги бир қатор тарихий воқеалар ва замонавий демократияни бошқача, ўзига хос тарзда баҳолайди.

Тарихчи томонидан фактларнинг талқин этиши турлича кечади. Талқин – интерпретация: 1) талқин этиш, баён, маъносини очиш, тушунарлироқ тилга ўгириш; 2) санъат ва адабиёт методи сифатида талқин бадиий образнинг принципиал кўп маънолилигига асосланган ва асар маъносини муайян маданий-тарихий вазиятда ўқиш (тинглаш, кўриш) дан келиб чиқиб баён этишдан иборат. Фактларнинг тарихий талқинини изоҳлашнинг бошқа турларига тенг эмас, зеро бу, энг аввало тафаккур услуби демакдир, бундан ташқари, ҳар бир йирик тарихчи фақат ўзига хос, такрорланмас услубга эга бўлади. Инсоний кадриятларнинг тарихий маъносини топиш – муаллифнинг вазифасидир. Бундай позицияни яхши умумлаштириб баён этган шоир Эркин Воҳидов ёзади: “Агар бугун барча инсоний фазилатлар ичида энг олий, энг кадрлиси нима, деб сўров ўтказилса, ишонаманки, ер юзи халқларининг асосий қисми меҳр-шафқатни айтади. Зотан, бу замонда одамзот энг муҳтож бўлган, лекин жуда камёб, жадал тараққиёт баробарида кўпайиш ўрнига озайиб кетаётган туйғу – меҳр-шафқатдир”.

Тарихда нима устунроқ, дунёқарашми ёки дунёни идрок этиш? Афтидан, тарихчи учун ҳар иккиси ҳам муҳим, аудиторияда эса дунёни идрок этиш кўпроқ шаклланади. Тарихчи, шу билан бирга, аудитория билан уйғунлашиб кета олиш учун дунёни қалбдан ҳис этиш ва уни оташин сўз билан ифодалаш ҳам талаб этилади. Худди ана шундагина ўқувчиларнинг қалб торларини чертиш ҳамда уларни фаолликка чорлаш мумкин бўлади. Ва худди шу боисдан ҳам, медиа, оммавий ахборот тўлиб-тошган ҳозирги даврда Тарихий ҳиссийлик сари юз бураётгани, эссемонандлик касб этаётгани тамомила табиийдир.

Айрим муаллифлар тарихий асар яратаётганларида ўзларини ўйлаб ҳам кўришмайди. Улар юрак амрига кўра ёзишади ва бунда юракдаги ҳислар ва эҳтиёжларни баён этишади. Фикрлар ва ҳиссиётлар қанчалик кучли бўлса, асар шунчалик яхши чиқади. Бундай ҳолларда муаллифлар асар якунланганида қандай кўринишга эга бўлишини, унга аудиториянинг муносабатини билмайдилар ҳам. Фақат шу асарни барпо этиш учун ижодий илҳомни, кучли руҳий эҳтиёжни ҳис этадилар, вассалом. Бунда ҳаётий тажрибага, кўрган-кечирганларга асосланган хотиралар катта роль ўйнайди.

Тарихий асарни яратиш ва уни рўёбга чиқаришнинг ички ва ташқи механизмлари одамлар учун қизиқарли мавзунини танлаб олишдан тортиб, то аудиториянинг ҳаётий эътиқодлари ҳамда унинг асосланишини асар таъсирида ўзгартиришга қадар бўлган психологик усуллар мажмуидан ташкил топади. Зеро тарихнинг ўзи – одамларни ягона ҳамжамият теварагида жипслаштирувчи, бир-биридан узоқлашиб кетган индивидларни уюшган гуруҳларга айлантириш куролидир. Бу эса одамларни улар қай бир масалаларда экстремал шароитда кун кўраётганликларига ишонтирганида самара беради. Ана шуни англагачгина одамлар бир-бирларига яқинлашадилар, елкама-елка туриб, ўз қаршиларидаги муаммога биргаликда назар ташлайдилар. Ана шу елкама-елка туришга эҳтиёжни эса тарих пайдо қилади, у миллатни у ёки бу масалада ҳали ишқалликлар борлигига ишонтиради, янада яхшироқ яшаш иштиёқини уйғотади. Тарихнинг даъватига кўра ўз ҳаёт тарзини ўзгартирган жамият, айни пайтда ўзини ҳам ўзгартиради, янгиланади.

Мавзу танлаш ва ғоядан тортиб, унинг таъсири ҳамда самарасини аниқлашга қадар – тарихчининг бутун ижодий йўли – ягона жараённинг у ёки бу хусусиятини қўллашдан қатъи назар, унинг негизида муаллиф билан аудиториянинг психологик мувофиқлашиши ётади. Яъни, бошқача айтганда, асарни яратиш жараёни, унинг мазмуни ҳамда аудиторияга самарали таъсир қилишининг туб негизида жалб этиш, таққослаш, таъсир этиш, идрок қилиш ва ҳ. психологик омиллар мавжуд бўлади.

Алоҳида хусусиятга эга бўлган тарихий мақолаларга эҳтиёж, босилиб чиққан материалларга эътибор, уларда кўтарилаётган муаммоларга қизиқиш, фактлар устида фикр юритиш, образларни сингдириш, маъноларни мувофиқлаштириш, баланд пафос ва кескин услуб – тарихий асарни яратиш, у билан танишиш ва қабул қилишнинг ана шу барча босқичларида муайян психологик категориялар ва механизмлар муқаррар суръатда мавжуд бўлади

ва амал қилади. Зеро, ахборот даври тарихчи олдига қўйиладиган муҳим талаблардан бири унинг илмий характерда бўлиши зарурлигидир.

*Ноанъанавий таҳлил, постмодернизм.* XX аср охири ва XXI аср бошларидаги тарихий асарларни талқин этиш нуктаи назаридан, улар мазмунини ноанъанавий тарзда изоҳлашлар ҳам юзага келди. Чунончи, постмодернистларнинг мазмун соҳасидаги тасаввурларига «иккилама кодлаш», «асарнинг дискретлиги», «баёндаги фрагментарлик», «метаҳикоя» ва бошқа тушунчалар хосдир. Уларнинг ичида энг муҳимларидан бири «Мазмуннинг ўлиши» концепциясидир. Шу масалани кўриб чиқайлик.

Постмодернчиларнинг ушбу назариясини тушуниш учун асарни унинг асосий тажассум топадиган унсурлари: тил, матн, муаллиф ва ҳоказо чексиз равишда хилма-хил бўлган дунёсини идрок этиш лозим бўлади. Энг дастлабки сўз ва иборалар мазмунининг манбалари эса жамоавий тафаккурга – биргаликда инкишоф этилган билимларга бориб тақалади. Шу боисдан ҳам тарихий асарнинг мазмуни теран манбалари ҳамда таркибларига кўра ниҳоясиздир, бу эса маълум маънода мазмуннинг «ўлими»га олиб келади.

Бошқача айтганда, мазмуннинг ўлими алоҳида олинган бирор тарихий асарнинг тўлиқ ва бус-бутун равишда мустақил, тамомила янги бўлган маъноси йўқлигини, ҳар қанақа шундай асарлар ўша-ўша тарихий мазмунга эга эканини, яъни одамлараро муносабатларни акс эттиришини билдиради. Ягона фарқи – ҳар бир алоҳида асарда ушбу муносабатларнинг турли соҳалари, даража ва деталлари келтирилади ҳамда таҳлил этилади, бундан ўзга эмас.

Демак, тарихчи ихтиёрида аввал ташкил топган тушунчалар мавжуд бўлиб, у улардан ўз асарида янги матоҳ тўқийди, аввалдан мавжуд бўлган ғишлардан янги иморат барпо этади. Барча “эшик-дераза”, “ғишт” ва бошқа қурилиш ашёлари, яъни сўз ва образлар, ғоя ва қадриятлар, чунончи, инсонийлик, саховат, ҳаққоният тушунчалари, тил ва услуб унсурлари унга қадар тайёрлаб қўйилган, унинг бор-йўқ иши – ўша материаллардан у янги конструкциядаги бино тиклайди: ўз замонига оид фактларни келтиради ва уларни шарҳлар билан таъминлайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Фалсафада қўлланиладиган умумий методлар
2. Тарих методлари, фарқи, ўхшашлиги.
3. Тарих соҳасида ишлаб чиқилган методлар даражаси4.
4. Илмий асарларда таҳлилий методларнинг кўриниши.
6. Илмий асарларни тайёрлашда самарали таҳлил методлари.
7. Тизимли аналитик методлар назарий ва амалий жараёнларда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси бўйича” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 07.02.2017.

2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.:

Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, Ўзбекистон, 2017.

5. Самаров Р., Раджапов А. Сиёсий матн таҳлили. Т: Академия .2010

6. Антонов А.В. Системный анализ. - М.2002.

7. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб: СПб ГТУ, 2003

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1 – амалий машғулот. Ижтимоий-маданий тизимларнинг динамик таҳлили

**Ишдан мақсад:** Тарих ва илмий таҳлил тушунчалари, уларнинг фарқларини билиш, ҳамда мазкур соҳаларда тизимли таҳлил қўлланишидан кўзланган мақсад ва таҳлил тамойилларн хақида билимга эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тарих – маълумот йиғиш, уни устидан ишлаш, ахборотларни тайёрлаш ва уларни турли каналлар орқали тарқатиш, узатиш. Ушбу жараёнда тарихчидан қандай таҳлилий маҳорат талаб қилинади. Таҳлил турларидан қайси бири тизимли таҳлил назарияси нуқтаи назардан қулайроқ ҳисобланади.

**Ишни бажариш учун намуналар:** Ушбу амалий машғулотда тарихчи кўзлаган мақсадга мувофиқ, қўйилган муаммони қайси томонларини ўрганилишни муҳимлигидан чиққан ҳолда у тизимли таҳлилнинг методларни танлайди. Энг катта ва қийин масала- муаммони тўғри белгилаш, кейинги босқич – муаммонинг келиб чиқишининг структуравий омилларни ажратиш. Ва охириги, сўнгги мураккаб масала –бу муаммони ҳал қилиш йўллари, амалга ошириш бошқарув усуллари дир. Чунки, тизимли таҳлил муаммони комплекс факторларда ўрганишни талаб қилади. Бунга кўп ҳолда тарихчида сабр-тоқат, вақт ва имконият етишмайди.

**Мисол сифатида.** Бирорта илмий мақолани битта саҳифасини чуқур ўрганиб, унда қай даражада материалларнинг муалифлари мустақил равишда бирорта жойларга бориб фактларни йиғиб, кейин, уни ўзи таҳлил қилиб мақола ёки лавҳа ёзди. Битта саҳифа мисолида илмий мақоланинг мавқеини, унинг ишлаш усули, фойдаланган ахборот манбаларни аниқлаш мумкин. *Бу ерда қўйилган муаммо-* нима учун илмий мақолаларни ёшлар ўқимади, нима учун илмий мақола муштариоли кам, сотувда уни харидорлари кўп эмас.

**Намуна сифатида** – Илмий асарлари, матбуот, интернетда чиққан иқтисодий, ижтимоий, тарбиявий, таълимга оид муаммоли ёки тарихий мақолалар, лавҳалар келтирилади.

#### Назорат саволлари:

1. Энциклопедик ва илмий луғатларда метод ва тарихчи методлари хақида берилган тушунчалар.
2. Тарих методларни таҳлил этинг.
3. Амалий тарих материалларида энг кўп қўлланадиган методлар.
4. Тизимли таҳлилий методлари хорижий илмий манбаларида.

### **Амалий машғулот бўйича топшириқлар:**

1. Интернет материаллари асосида аналитик методларни қўлланилишини кўрсатинг?
2. Илмий асарларларни тайёрлашда тизимли таҳлилнинг самарали методларни баён этинг?
3. Тизимли аналитик методларни назарий ва амалий жиҳатларини илмий мақола ва журнал мисолида таҳлил қилинг?
4. Илмий асарлар матнларда тарихий ва таҳлилий методларнинг фарқларни белгиланг?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси бўйича” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 07.02.2017.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”, Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, Ўзбекистон, 2017.
5. Самаров Р., Раджапов А. Сиёсий матн таҳлили. Т: Академия .2010
6. Антонов А.В. Системный анализ. - М.2002.
7. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб: СПб ГТУ, 2003
8. Берталанфи Л.фон. Общая теория систем-критический обзор. В кн.: Исследования по общей теории систем. -М.: Прогресс, 1969, с.23-82.
9. Моисеев Н.Н. Человек, Среда, Общество. Проблемы формализованного описания. М.: Наука, 1982
10. Универсум.Информация.Общество. М.1982

### **2 - амалий машғулот: Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ўтказиладиган тадқиқотларда тизимли таҳлилни амалга ошириш**

#### **Назорат саволлари:**

1. Илмий нашрлар мисолида ёки бошқа ОАВ турлари материаллар асосида назарий таҳлил ўтказиши лозимлиги ҳақида фикрингиз.
2. Тизимли таҳлил бўйича қайси илмий ишлари сизга таниш, изоҳ беринг.
3. Илмий асарларини тизимли таҳлилдан ўтказиш босқичлари.
4. Хорижий илм-фанда тизимли таҳлил назариясининг тутган ўрни

5. Ўзбекистон ОТМда таҳлилий мутахассислар тайёрлаш аҳволи.

#### **Амалий машғулот топшириклари:**

1. Энциклопедик, тарихий ва сиёсий луғатларда куйидаги сўзлар тушунчаларини аниқланг: структура, тизим, таҳлил, тизимли таҳлил, тамойиллар, сиёсий таҳлил.

2. Илмий асарлар мисолида қиёсий таҳлил кўринишларини таърифлаб беринг.

3. Контент таҳлил тушунчасини амалий матнлар асосида очиб беринг.

4. Статистик таҳлил тарихчининг қайси асарларда кўпроқ намоён этади, илмий мақола ва журналлар мисолида исботлаб беринг.

5. Муаммоли вазиятларни шарҳлаш тарихчи моҳоратини таҳлил қилинг, Илмий асарларни келтиринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси бўйича” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 07.02.2017.

2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, Ўзбекистон, 2017.

5. Самаров Р., Раджапов А. Сиёсий матн таҳлили. Т: Академия .2010

6. Антонов А.В. Системный анализ. - М.2002.

7. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб: СПб ГТУ, 2003

8. Берталанфи Л.фон. Общая теория систем-критический обзор. В кн.: Исследования по общей теории систем. -М.: Прогресс, 1969, с.23-82.

9. Моисеев Н.Н. Человек, Среда, Общество. Проблемы формализованного описания. М.: Наука, 1982

10. Универсум. Информация. Общество. М. 1982

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**Case-study** асосий мақсади- бирор ишнинг муаммоли вазиятни ўқувчилар гуруҳи биргаликда таҳлил қилиш, ҳамда унинг аниқ амалий ечимини топиш. Кейс-стади методи илмий билимларни амалиётга тадбиқ этишга имкон яратади.

Кейс 2.

### ОТМларда Тарих фанини ўқитишнинг ягона концепцияси йўқлиги

Концепцияга эҳтиёж	Имконлар, вазият	Хатарлар, муаммолар
Республиканинг барча худудларидаги олий ўқув юртларида тарих факультети мавжуд ва уларда тарих фани ўқитилади	Тарихнинг турли соҳалари бўйича етакчи мутахассислар мавжуд	Тўсқинликлар, муаммолар

### Муаммони ҳал қилиш чора-тадбирлари:

Кейс 3.

**Матн:**

#### ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Исҳоқов М., ТДШИ ва ГулДУ профессори

Тарих ўз навбатида инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва иқтисод, инсон ва сиёсат, давлат, ҳуқуқ, инсон ва маънавият ва аксинча, жамият ва инсон, табиат ва инсон, иқтисод ва инсон, сиёсат, давлат, ҳуқуқ ва инсон, маънавият ва инсон каби мажмуалардан иборат. Методология тарих тадқиқотларининг бош мақсадини белгилаб берувчи назарий асосдир. Буни тарих тадқиқотларининг стратегияси деб баҳолаш мумкин.

- Инсон ва инсониятсиз унинг тарихи ҳам йўқ. Зеро инсон онгли равишда ўз ўтмишини, тарихини идрок этишига, ижобий ва салбий оқибатларини тажриба сифатида талқин қилишга ҳамда улардан фойдаланишга қодир.

- Бутун борлиқнинг тарихи мавжуд. Коинотнинг саноксиз миллиард йиллар тарихи ҳам фанга маълум эмас. Биологик ҳаётнинг тарихи ҳам ўта қадимийдир. Умуман борлиқ ичра жонли ва жонсиз ҳаёт ҳақидаги тарихий тасаввурлар инсоннинг илмий-назарий, ноилмий билимлари маҳсулидир. Демак, ҳар қандай тарихий билим ижтимоийдир, яъни инсон жамияти томонидан табиат ва жамият ўтмиши ҳақидаги англаб етилган ва англаб етилмаган ҳолда талқин қилинган билимлар мажмуидир...

## Матнни таҳлил қилиш

Матн тури	Қачон ва ким томонидан ёзилган	Ишлатилган махсус иборалар, сўзлар	Матнни ўзгартириш имконлари

**Хулоса:** 3та абзацда тавсиф беринг -давр, мамлакат ва одатлар

### Кейс 2

Ахборот техникаси инсон ижодий фаолиятига қўшила бошлади. Аммо бу жараёнларда техника асл маданиятининг ўрнини эгаллай олмаяпти. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, компьютерлар китобни сиқиб чиқаради деган нуқтаи назар тўғри эмас. Негаки, китоб фақатгина маълумот ташувчи бўлиб қолмасдан, инсон маънавий дўнёсининг муҳим парчасидир. Ўзгариб турадиган электрон ОАВдан фарқли ўлароқ, китоб инсониятнинг маданий ютуғи бўлиб қолади. Таҳлилий фаолият билан шуғуллаганда ҳам биз нафақат китоб, балки электрон ОАВга мурожаат этишимиз туфайли, уларни ички ва ташқи жиҳатларни ҳақида маълумотга эга бўлишимиз шарт.

### Тарих методи

Материал қаерда чоп этилди.	Фикр исботлаш усуллари	Муаммо ечилиш даражаси	Материални таҳлилчи сифатида баҳоланг

### Кейс 3.

#### Илмий салоҳият.

Тарих факультетда ёш изланучи ва тадқиқотчилар жуда кам илмий мақолалар ОАК томондан эътироф этилган журналларда чиқарадилар. Ушбу муаммони ечиш учун деканат Илмий кенгашда қарор қабул қилди. Хар йили ўқитувчиларнинг танлов-конкурси ўтказилади, мавзу “Энг яхши мақола халқаро нашрларда”. Бунда меъёрий кўрсатмалар мавжуд, мақолада биз мамлакатимиз манфаати акс эттириши, унда жиддий фактлар ва хулосалар берилиб, ҳамда ОАК томондан илмий мақолаларга кўйилган талабларга

хорижда чоп этилган мақола жавоб бериши керак. Бу ўқитувчилрнинг илмий изланишларни фаоллаштиради, илмий салоҳиятини оширади ва факультетда хорижда чоп этилган илмий ишлар сонларнинг кўрсаткичлари ўсади.

Муаммо. Илмий салоҳият паст	Муаммонни ечиш танланган йўл	Чора-тадбирларнинг амалдаги жараён	Бажаришнинг, натижалари. Баҳоланг, уларни таҳлил қилинг.

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар асосида тизимли таҳлилни тушунчалар ҳақида эссе ёзиш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари:

1. Тизимли таҳлилнинг илмий назариялари.
2. Тарихда таҳлил тамойиллари ва нормалари.
3. Тизимли таҳлилнинг жамият ҳаётга таъсири.
4. Шахсда тизимли таҳлил шакллантириш усуллари.
5. Архив материалларини тизимли таҳлил этиш моҳияти.
6. Илмий нашрларда тизимли таҳлил жорий этилиши.
7. Тарихчининг таҳлил маҳорати.
8. Тизимли таҳлил бошқа турлар таҳлилларда тутган ўрни.
9. Хориж мамлакатлар олимлар тизимли таҳлил бўйича қарашлари.
10. Коммуникация турлари ва уларни тизимли таҳлил этиш хусусияти.
11. Тизимли таҳлил пайдо бўлиши, сабаблари.
12. Тарихчи-амалиётчига тизимли таҳлил ҳақида билимлар керакми.
13. Хорижда таҳлилий мавзуларни ёритиш тажрибаси.
14. Таҳлилий жанрлар ва тизимли таҳлил, хусусияти, фарқлари.
15. Таҳлилий материалларнинг кўринишлари, турлари.
16. Тарихчи- таҳлилий шарҳловчи, маҳорат лабораторияси
17. Халқаро ва сиёсий материалларни таҳлил қилиш.
18. Ўзбекистоннинг таҳлил соҳасида кадрлар тайёрлаш тажрибаси.
19. Тизимли таҳлил тамойиллари.
20. Тарих соҳасида тизимли таҳлил.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Таҳлил</b>	- юнон.- бирор нарсани ажралиш бўлиш (қон таҳлили, функционал таҳлил, талаблар таҳлили), тадқиқот усули, тадқиқот объектларни ўрганиш билан характерланади.	- a divorce (blood tests, funtsional analysis, requirements analysis), the method characterized by the study of research objects.
<b>Тамойиллар</b>	- лотин.-бошланиш. Ҳақиқат, қонунлар,асосий қоидалар, қурилманинг асосий хусусияти.	Lat.-start. Truth, laws, rules and the main features of the device.
<b>Тузилма</b>	- бирор нарсани ички тузилиши, фалсафада- объект қисмлари ўртасидаги муносабатлар мажмуи	in philosophy internal relationship between the parts of the structure of the object
<b>Бошқарув</b>	фалсафада- менежмент, маълум бир мақсадга эришиш учур фаолият, зарур режалаштириш, ташқил этиш. Рағбатлантириш ва назорат қилиш жараёни.	In philosophy- management, to achieve a goal, planning the outside. Promotion and control process/
<b>Тизим</b>	- юнон қисмлар, элементларнинг мажмуи, бирлик, маълум яхлитлик, комплекс.	-parts, elements the integrity, complex.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси бўйича” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 07.02.2017.

2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”, Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, Ўзбекистон, 2017.

Самаров Р., Раджапов А. Сиёсий матн таҳлили. Т:Академия .2010

2. Антонов А.В. Системный анализ. - М.2002.

3. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб.2003/

4. Энциклопедический словарь. М.,2010

5. Фалсафа. Изоҳли луғат. Т. 2014

6. Самаров Р., Раджапов А. Сиёсий матн таҳлили. Т:Академия .2010

7. Антонов А.В. Системный анализ. - М.2002.

8. Волкова В.Н., Денисов А.А. Основы теории систем и системного анализа. - СПб: СПб ГТУ, 2003

9. Вартанова Е. Л. Современная структура и динамика медиасистемы // Медиасистема России / М. : Аспект Пресс, 2015. - 384 с.

10. Давыдов А. А. Инновационный потенциал России: настоящее и будущее [Электронный ресурс] / А. А. Давыдов // Институт социологии Российской академии наук. - Режим доступа : [http://www.isras.ru/blog\\_modern\\_3.html?](http://www.isras.ru/blog_modern_3.html?)

11. National Systems of Innovation: Toward a Theory of Innovation and Interactive Learning / ed. by Bengt-Ake B. Lundvall. - London ; New York : Anthem Press, 2010. - 317 p.

12. Келле В. Ж. Духовность и интеллектуальный потенциал / В. Ж. Келле // В диапазоне гуманитарного знания : сб. к 80-летию проф. М. С. Кагана. - СПб. : С.-Петербур. филос. о-во, 2001. - Вып. 4. - С. 3–13.

13. Шкондин М.В. Тарих как интеллектуальная система: аспект целостности// Известия иркутской государственной экономической академии. 2016, №2.

### Интернет ресурслари

1. gov.uz

2. norma.uz.

3. Lex.uz

4. Ziyonet.uz
5. [znanie.org/docs/](http://znanie.org/docs/)